

ТЎХЛИЕВ Нурислом,
иқтисодиёт фанлари доктори, академик

ИСЛОМ МОЛИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

СПЕЦИФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ИСЛАМСКИХ ФИНАНСОВ

FEATURES OF ISLAMIC FINANCE

Аннотация. Мақолада ислом молия тизимининг моҳияти, анъанавий банк-молия тизимидан фарқли жиҳатлари, инқирозларга бардошлиги, мамлакатимизда бу моделни жорий этишининг шарт-шароитлари, қонунчилик базаси ва бу борадаги қийинчиликлар ҳақидаги муаммолар ёритилган. Шунингдек, мақолада анъанавий ва ислом банк-молия моделлари бир-бирига зид тизимлар эмаслиги, уларнинг муҳолиф эмас, муқобил тизимлар экани, соғлом рақобат учун улар бақамти фаолият олиб бориши мақсадга мувофиқлиги, ислом банк-молия тизимининг гарарни таъқиқлаш орқали миқдослар билан муносабатда мавҳумлик, ноаниқлик, хийла-найранг каби қўнғилсизликларнинг олдини олиши кўрсатилган.

Таянч атамалар: ислом молияси, анъанавий молия, рақобат, модель, ИХТ, рибо, гарар, майсир, габн, муробаҳа, салам, истисно, ижара.

Аннотация. В статье рассматривается сущность исламской финансовой системы и ее отличия от традиционной банковско-финансовой системы. Особое внимание уделяется таким аспектам, как устойчивость исламских финансов к кризисам, условия внедрения этой модели в Узбекистане, необходимая законодательная база и связанные с этим проблемы. В статье подчеркивается, что традиционная и исламская банковско-финансовые модели не являются взаимоисключающими, а представляют собой альтернативные системы, способные эффективно функционировать в условиях здоровой конкуренции. Отмечается, что исламская банковская система, запрещая гарар (неопределенность, риск), способствует прозрачности финансовых операций и предотвращает возникновение таких негативных явлений, как неясность условий и обман клиентов.

Ключевые слова: исламские финансы, традиционные финансы, конкуренция, модель, ОИС, риба, гарар, майсир, габн, мурабаха, салам, истисна, иджара.

Annotation. The article discusses the essence of the Islamic financial system, its differences from the traditional banking and financial system, its resilience to crises, the conditions for implementing this model in our country, the legislative framework, and the associated challenges. It also emphasizes that traditional and Islamic banking and financial models are not opposing systems, but rather alternative systems, and that it is advisable for them to operate in a context of healthy competition. The article states that the Islamic banking system, by prohibiting gharar, prevents unpleasant situations such as uncertainty, ambiguity, and deceit in client relationships.

Keywords: Islamic finance, traditional finance, competition, model, OIC, riba, gharar, maisir, ghaban, murabaha, salam, istisna, ijarah.

КИРИШ

Кейинги вақтларда ислом молияси, ислом банки каби атамалар оммавий ахборот воситалари, илмий, сиёсий доиралар ва умуман, кундалик лексиконимизда тез-тез қўллана бошлади. Халқаро таҳлилларга қараганда, ушбу янги институтнинг анъанавий молия тизимидаги ўрни ва улуши тобора ошиб бормоқда. Хўш, ислом молияси тизимининг моҳияти, фалсафаси ва ҳикмати нимада? У мурасасиз рақобатчи сифатида анъанавий тизимни сиқиб чиқарадими ёки икки модель бир-бирини тўлдирган ҳолда замондошларимизга танлов имкониятини тақдим этадими?

АСОСИЙ ҚИСМ

Бу долзарб, ҳали чуқур тадқиқ этилмаган мавзудир. Исломий банк-молия модели ҳақида бизда билим ва кўникмалар тўлиқ шаклланган эмас. Бу борада қонунчилик базамиз ҳам заиф. Тизимнинг мазмун-моҳияти теран англаб етилмагани сабаб бўлсак керак, уни замонавий банк-молия моделига қарама-қарши қўйиш ҳоллари учрайди. Аслида, ҳар икки тизимнинг мақсади муштарак. Истеъмол эҳтиёжининг тўйингани ёки бозорда мақбул товар ва хизматлар мавжуд эмаслиги сабаб жамиятнинг айрим аъзоларида ортиқча пул пайдо бўлади. Иккинчи томондан эса бошқаларда истифода этилмай турган маблағларни олиб ишлатишга эҳтиёж туғилади. Шу тариқа вақтинча ишлатилмаётган пулдан қандай усул ва шаклда фойдаланиш масаласи кун тартибига чиқади.

Сўнгги вақтларда жаҳон банк-молия тизимининг муҳим бўғини сифатида ислом банк-молия моделининг таъсири ошиб борапти. Жаҳон иқтисодий инқироzi арафасида ислом банк-молия тизимининг ялпи ҳажми 758 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 3,37 триллион долларга етди.

Ислом банк-молия модели ислом иқтисодиётининг таркибий қисми бўлиб, молия муассасалари ва мижозлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Тизимнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у шариат аҳкомларига асосланади. Шариат эса мусулмонларнинг ўзаро робиталарида маънавий-ахлоқий қадриятларга устуворлик беради. Мазкур модель тижорий фаолиятда юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликни томонлар ўртасида мутаносиб равишда тақсимлашни ҳам назарда тутди.

Ислом банк-молия моделининг замонавий тарихига назар солсак, у ўтган асрнинг 50–60-йилларида Осиё ва Африкадаги қатор мамлакатларнинг мустақилликка эришиши, улкан нефть ва газ захираларининг топилиши ҳамда табиий бойликларнинг экспорт қилиниши натижасида вужудга келди. Тўпланган жамғармаларни замонавий банк-молия механизми орқали тасарруф этиш мусулмон жамияти аҳкомларига мос келмасди. Чунки шариатда иқтисодиётнинг ҳаёт-мамонт масаласи бўлмиш мулк мавзусида қатъий қоида ўрнатилган: Ер ва осмон Аллоҳга, яйловлар, манбалар, сув, олов ва туз барчага тегишли; Аллоҳ олдида барча баравар.

Инқирозларга бардошлилик, иқтисодий хатар ва қалтисликларнинг томонлар ўртасида улушга мувофиқ ҳолда тақсимланиши, реал активларга асосланиш ислом молиясининг жозибадорлигини оширади. Бу модель Ислом Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлмаган мамлакатларда ҳам оммалашаётгани, ривожланган давлатларда сукудан (қимматбаҳо қоғозлар) кенг фойдаланилаётгани ана шу жиҳат билан изоҳланади. Масалан, Буюк Британияда 20 та банк-молия муассасасида ислом дарчалари аҳолига молиявий хизматлар кўрсатмоқда. Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда ҳам ислом молия тизимини жорий қилиш бўйича ҳаракатлар олиб

борилмоқда. Малайзия, Индонезия, Саудия Арабистони, Баҳрайн ва БААни ислом молияси ривожланган мамлакатлар сирасига киритиш мумкин. Эрон ва Суданда ҳам бу жараён анча илгари бошланган эди.

Тиғиз жараёнлар жаҳон бозорининг узвий бўлаги саналган мамлакатимизга ҳам кириб келмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизда ислом молия тизимини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти келгани, бу ишга ИТБ ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертларини жалб этиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Албатта, икки молиявий тизим ўртасида бир қатор фарқли жиҳатлар мавжуд. Улар, энг аввало, пулга бўлган муносабатда намоён бўлади. Анъанавий банклар пулни сотиш, яъни мижозга фоиз эвазига маълум муддатга бериш мумкин бўлган молиявий восита деб ҳисоблайди. Бу ўринда муваққат берилган қарз маблағини йўқотиш хавфи минимал, чунки қарз ҳам, унинг фоизи ҳам лойиҳанинг қандай натижа билан тугашидан қатъи назар гаров воситасида қафолатланади. Ислом шариати эса фоиз асосида молиялаштиришни ижтимоий адолатга зид деб билади. Чунки олди-берди муносабати иштирокчиларидан бири зарар кўриши ҳам, катта фойда олиши ҳам мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам тарози томонлардан бирининг манфаатига қарши ишлайди. Бинобарин, исломий банклар пулга молиявий маҳсулот сифатида қарамайди, лойиҳада ҳам ўзини тижорий ҳамкордек тутди. Мантқиқ қонунияти шу: агар хатар ва йўқотиш ўзаро адолат билан тақсимлаб олинса, у ҳолда ҳар икки томон эҳтиёткорлик билан иш тутди, етти ўлчаб бир кесади.

Анъанавий банклар фойда орқали идора этилса, исломий банк тизими рухсат ва тақиқ мезонлари орқали бошқарилади. Ислом банк-молия тизимида ўндан ортиқ асосий тақиқлар мавжуд. Улардан бирига кўра, таваккалчилик қилмай, хавф-хатарни зиммага олмай, реал иқтисодий фойда яратмай ёки шунга рағбат бермай даромад олиш ҳаром ҳисобланади. Бу қоида замонавий

тадбиркорликни ривожлантиришда ҳам қўл келади. Назаримда, тадбиркор таваккалчилик ва мулккий жавобгарлик асосида, қонун доирасида ташаббус билан фаолият юритувчи шахсдир. Яъни чинакам ишбилармон ҳар қандай йўллар билан эмас, балки айнан яратувчанлик, ташаббускорлик орқали даромад топади. Шу боис ҳам ёлланиб ишлаш, банкка маблағ қўйиш, мулкни ижарага бериш, кимор, лотерея ёки мерос орқали мўмай даромадга эга бўлиш тадбиркорлик саналмайди.

Ислонда рибо, ғарар, майсир ва ғабн механизмлари орқали ноҳалол тадбиркорликнинг йўли тўсилади. Бу нуқтаи назар глобал иқтисодий бўҳрон ва коронавирус пандемияси туфайли келиб чиққан инкироз шароитида, айниқса, яққол исботини топди. Анъанавий банк тизимида қарз ва ҳосила олди-сотдисига рухсат берилади, яъни молиявий бозор қатнашчиси қарзга олинган ёки унга тегишли бўлмаган активлар билан бемалол савдо қила билади. Бу ҳол молиявий чайқовчиликни келтириб чиқариши, бозорда “пуфаклар”ни юзага келтириши мумкин. Реал иқтисодиёт билан боғланмаган “пуфаклар” фурсати келиб албатта ёрилади.

Ислон молиясида пулдан асосан айрибошлаш воситаси, қиймат ўлчови сифатида фойдаланилади. Қарз савдоси, мулки бўлмаган ёки тасарруф этилмаган нарса-буюм савдоси ман этилади, реал тижоратдан йироқ битимларга йўл қўйилмайди. Бу эса иқтисодий субъектлар фаолиятини хавф-хатардан сақлайди.

Ислон банклари мижозларга муробаҳа, салам, истиснаъ, ижара, (молиявий лизинг) каби олди-сотди битимларига асосланган қарзли молиялаштириш ва қисман мушорака ва музорабага асосланган улушли (шерикчиликка асосланган) молиялаштириш орқали хизмат кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, шерикчиликка асосланган улушли молиялаштиришнинг ҳиссаси ислон банкларида ҳам юқори эмас. Бунга асосий сабаб – шерикчиликда учрайдиган ишончсизлик, манфаатлар тўқнашуви, шаффофлик йўқлиги ва “енг ичида”ги ишлардир. Маълумотларга кўра, анъанавий банк кредити каби қарзли молиялаштириш, айниқса, муробаҳа ва ижаранинг ҳиссаси ислон банклари портфелида 80-85%, баъзида ундан ҳам кўпроқни ташкил этади.

Анъанавий банкларда барча хатар ва рисклар қарз олувчи, яъни тадбиркорнинг гарданида бўлади. Лойиҳа қандай натижа билан тугаши, фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, тадбиркор олган кредитини фоизи билан қайтариши шарт. Қарзли молиялаштириш устувор бўлган ислон молия тизимида ҳам жавобгарлик асосан тадбиркорга юкланади. Аммо шерикчиликка асосланган молиялаштириш даражаси ошиб бориши билан иқтисодий рисклар тадбиркор билан бирга молия муассасасига ҳам ўтади. Пировардида, хатарлар мувозанатли ва адолатли тақсимланади, инкироз даврида ишбилармонларнинг касодга учраш эҳтимоли камаяди.

“Apple”, “Amazon”, “Tesla”, “Microsoft”, “Google” каби дунёнинг энг нуфузли ва йирик корпорациялари шерикчиликка асосланган акциядорлик жамияти шаклида фаолият юритиши бежиз эмас. Мазкур ширкатларнинг акциялари котировка қилинадиган фонд бозорлари негизини ташкил этиши инobatга олинса, ҳиссадорлик тамойили кўп жиҳатдан мақбул ва матлуб экани ойдинлашади. Демак, шаффоф ва самарали корпоратив бошқарувга эга акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, тадбиркорлар ва банк-молия тизимини шерикчилик асосида ишлашга кўниктириш, умуман, халқимизнинг иқтисодий маданиятини юксалтириш керак.

Янги тизимнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди. “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонун (25.12.2019 й. ЎРҚ-598-сон), 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, “2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги (12.05.2020 й. ПФ-5992-сон), “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (24.11.2018 й. ПФ-5583-сон) фармонлар, “Ислон тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи фондлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чоралари тўғрисида”ги (05.03.2019 й. ПҚ-4224-сон), “Республика

иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (29.04.2019 й. ПҚ-4300-сон), “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида хорижий инвесторлар кенгашини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (13.11.2019 й. ПҚ-4519-сон) қарорлар ва бошқа ҳужжатлар ушбу йўналишни ривожлантиришга хизмат қилади.

Дунёвий давлатда ҳар икки банк модели ёнма-ён, ҳалол рақобатчи сифатида фаолият юритиши керак. Лекин мамлакатимиз капитал бозорида исломий иқтисод муносабатлари ҳали алоҳида қонун ёки бошқа махсус маъмурий-ҳуқуқий ҳужжат билан мустаҳкамланмаган. Мамлакатимизда жорий йил 27 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови бўлиб ўтди. Умид қиламизки, янги таркибдаги парламентимиз пайсалга солмай, “Капитал бозори тўғрисида”ги қонунни тайёрлаб қабул қилади. Бозор муносабатларининг асоси капитал экан, капитал бозори муносабатларини диверсификация қилиш давр талабидир. 2023 йил 11 сентябрь куни Президент фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ҳам камида 3 та тижорат банкида ислом молияси мезон ва тартибларини жорий этиш, ислом молиясининг қонуний асосларини шакллантириш вазифаси белгиланганини эслатиб ўтиш лозим.

Анъанавий ва ислом банк моделлари бир-бирига бутунлай зид тизимлар эмас. Уларни муҳолиф эмас, муқобил тизимлардир. Соғлом рақобат бўлиши ва улар бақамти фаолият олиб бориши керак. Буни жаҳон тажрибасида ҳам кўрмоқдамиз. Яна бир муҳим нукта. Ҳозиргача курраи арзнинг бирор давлатида ислом молия тизими тўлалигича жорий қилиниб, анъанавий тизимдан буткул воз кечилгани йўқ. Хатто аҳолисининг кўпчилик қисмини мусулмонлар ташкил этадиган Эрон, Покистон, Саудия Арабистони, БАА, Малайзия, Судан каби давлатларда ҳам ҳар икки тизим баравар ишламоқда.

Мусулмон аҳолида ислом банк-молия тизимидан фойдаланиш талаби борми, бу эҳтиёж албатта қондирилиши лозим.

Умумий банк айланмасида бу тизимнинг улуши 1 фоиз бўладими, 5-10 фоиз бўладими, рақобатчи сифатида фаолият юритиб, ўзининг иқтисодий-молиявий самарадорлигини намоён қилсин. Давлат эса бунинг учун керакли шарт-шароит яратиб бериши лозим. Зеро, истеъмолчиларга танлов имкониятини тухфа қилиш иқтисодиётнинг олтин тамойилларидан бири саналади.

Иккинчи томондан, аҳоли, корхоналарнинг вақтинча фойдаланилмаётган маблағларини анъанавий банклар орқали ишлаб чиқаришга йўналтириш, инфратузилма объектлари, боғча, мактаб, шифохоналар қуришга сарфлаш, ундан келадиган даромаднинг бир қисмини ночор оилаларни қўллаб-қувватлашга харжлаши ҳам мумкин. Бу каби чоралар орқали анъанавий банклар янада ижтимоийлашиб, ислом банки тамойилларига яқинлашиши мумкин.

Таассуфки, кўплаб одамлар молиявий билимсизлик, лақмалик, ишонувчанлик, баъзида эса очкўзлик сабаб “молиявий пирамида”лар, турфа ному ниқобдаги фирибгарлар тўрига илиниб, жиддий зиён-заҳмат кўрмоқда. Аксар ҳолларда атайин мураккаб тузилган шартнома ва битимлардаги мавҳум, тушунарсиз маълумотлар, талаблар ҳам одамларни чалғитади. Ислом дини бир томоннинг бошқа томонга ҳар қандай кўринишда зарар етказишини ман этади.

Қандай моделдан фойдаланишдан катъи назар, томонлар ўртасидаги битимларда мавҳумлик, ноаниқликка йўл қўймаслик керак. Ҳар бир инсон унга таклиф қилинаётган ҳужжат билан пухта танишиши, керак бўлса, соҳа мутахассисларидан ёрдам сўраши лозим. Шартнома банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларда асосий ҳужжат ҳисобланади. У пухта ишланган, икки томонни ҳам қониқтирадиган даражада бўлиши шарт. Ҳужжатнинг ҳар бир банди билан ҳуқуқшунос иштирокида танишиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Банклар кўпинча ўз манфаатини илгари сурган ҳолда “трафарет” – бир андазадаги шартномани тақдим қилади. Тадбиркорликнинг табиати, имкониятлари эса ҳар хил. Юзаки шартнома бажарилмай қолиб кетишга маҳкум.

Ислом банк-молия тизими ғарарни тақиқлаш механизми орқали мижозлар билан муносабатларда мавҳумлик, ноаниқлик, ҳийланайранг каби ҳаракатларнинг олдини олади. Ғарарнинг тақиқланиши ислом молиясини спекулятив деривативлар (ҳосилавий қимматли қоғозлар) туфайли пайдо бўладиган жиддий тизимли хатарлардан ҳимоя қилади. Умуман, ислом банк-молия тизими иқтисодий “пуфак” ва инқирозларни юзага келтирувчи ҳаддан зиёд молиявий чайқовчилик амалиётларини хушламайди. Шунингдек, бойликларнинг адолатсиз равишда тақсимланиши, жамият аъзолари ўртасида салбий муносабатлар илдиз отишига олиб боровчи қимор ўйинларини ҳам ман этади.

ХУЛОСА

Янги тизимни кўз очиб юмгунча, бирданига жорий этиш амримаҳол. Бунинг учун фурсат, меҳнат талаб этилади. Давлатнинг бунга хайрихоҳлиги етарли эмас. Соҳа учун малакали кадрлар корпусини шакллантириш, асосийси, ислом банк тизимининг афзаллиги, ишончлилиги ва адолатлилигини бутун бўйбаста билан кўрсатиш керак бўлади.

Ислом таълимотида ҳамиша капитализмга хос индивидуализм, худписандликдан фарқли ўлароқ, маънавий ва ижтимоий йўналиш устун аҳамият касб этган. Ислом банк-молия модели ҳам инсоннинг моддий эҳтиёжлари баробарида рухий, маънавий ва ижтимоий талабларини ҳисобга олади. Шу билан бирга, бу модель эркин бозор қонуниятларини бутунлай инкор этмаган ҳолда, юлғичлик, чайқовчилик ва адолатсизликларга қарши муайян маънавий-ахлоқий чеклов-чегара ўрнатади, тақиқлар қўяди. Бу жиҳатдан у ўз фалсафаси, қадриятларига эга бўлган тизимдир. Халқимиз ислом молиясининг биз санаган талабларини теран англаб етса, унга мусулмон турмуш тарзининг бир бўлаги деб қараса, янги йўналишга шунчаки урф важдан эмас, балки маънавий эҳтиёж сифатида эргашса, тизим юртимизда ривожланиб кетиши шубҳасиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Беккин Р.И. Исламская экономическая модель и современность. – М.: Изд. дом Марджани, 2010. – 352 с.
2. Абдуллаев Р.В., Дусанов С.М. Ислом иқтисодиётида молиявий муносабатлар. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – 36 б.
3. Абдуллаев Р.В. Ислом иқтисодиётида савдо ва тадбиркорлик. – Т.: “EFFECN-D”, 2022. – 232 б.
4. Байдаулет Е.А. Ислом молияси асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
5. Жўраев Б. Ислом молиясилар ва банк тизими: фалсафаси, тамойиллари ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 122 б.